



## **International Congress on Economics, Management and Business Studies**

Hosted Online from New York, USA

Date: 23<sup>rd</sup> June , 2026

Website: <https://econferencia.com>

---

### **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ**

Сафаралиев Суюн Шералиевич

мустақил изланувчи.

[Suyunbeksafaraliyev@gmail.com](mailto:Suyunbeksafaraliyev@gmail.com)

#### **Аннотация:**

ушбу мақолада тижорат банкларининг молиявий хизматлари ва уларнинг турларига алоҳида эътибор қаратилган. Тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган агентлик хизматларининг турлари мисоллар ёрдамида очиқ берилган.

**Калит сўзлар:** депозит хизматлари, кредитлаш, банк, ҳисоб-китоб, касса хизмати, миждоз, тижорат банклари, факторинг хизматлари.

#### **Аннотация:**

В данной статье рассматриваются финансовые услуги коммерческих банков и их виды. На примерах раскрываются виды агентских услуг, предоставляемых коммерческими банками.

**Ключевые слова:** депозитные услуги, кредитование, банковское дело, расчеты, кассовые операции, клиент, коммерческие банки, факторинговые услуги.



## International Congress on Economics, Management and Business Studies

Hosted Online from New York, USA

Date: 23<sup>rd</sup> June , 2026

Website: <https://econferencia.com>

---

### Abstract:

This article examines the financial services offered by commercial banks and their types. Examples are provided to illustrate the types of agency services provided by commercial banks.

**Key words:** deposit services, lending, banking, settlements, cash transactions, client, commercial banks, factoring services.

Банклар кўплаб миқдордаги банк хизматларини тақдим қилишади ва турли банк маҳсулотларини ишлаб чиқаради:

- Валюта операциялари;
- Кредитлаш;
- Ҳисоб-китоб ва касса хизмати;
- Депозит хизматлари;
- Қимматли қоғозлар билан операцияларда брокерлик хизматлари;
- Инвестицион банк хизматлари (хусусан, андеррайтинг);
- Суғурта хизматлари;
- Консултатив хизматлар;
- Молиявий хизматлар.

Депозит хизматлари жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг пул маблағларини турли валютадаги ҳисоб рақамларда жамғариш, сақлаш тушунилади.

Кредитлаш – банк мижозларига кредит бериш билан боғлиқ бўлган операциялар.

Ҳисоб-китоб ва касса хизмати. Буларга жисмоний ва юридик шахслар учун ҳисобварақ очиб туриб амалга ошириладиган барча ҳисоб операциялари киради.



## **International Congress on Economics, Management and Business Studies**

Hosted Online from New York, USA

Date: 23<sup>rd</sup> June , 2026

Website: <https://econferencia.com>

Валюта операциялари. Жисмоний ва юридик шахслар учун нақд ва нақдсиз конвертациялаш билан боғлиқ хизматлар.

Қимматбаҳо қоғозлар бўйича операциялар. Бундай операцияларга, асосан, қимматбаҳо қоғозлар бўйича воситачилик операциялари киради.

Молиявий хизматлар деганда банклар томонидан мижозларга кўрсатиладиган траст, факторинг ҳамда лизинг хизматлари тушунилади.

Траст операциялари бу мулкни бошқаришга ҳамда мижознинг топшириғига кўра бошқа хизматларни кўрсатишга йўналтирилган тижорат банкларининг операцияларидан бир тури. Траст сўзи инглиз тилида “trust” сўздан олинган бўлиб “ишонч” деган маънони англатади. Траст бу банк ёки траст компанияларининг мижоз топшириғи бўйича унинг маълум мулкни (пул маблағлари, қимматли қоғозлар, қимматбаҳо металллар ва ш.к.) сақлаш, улар бўйича банк операцияларини ўтказиш, бошқариш ҳуқуқини ўз зиммасига олишдир.

Траст операцияларини амалга ошириш банклар учун бир қатор имкониятларни яратиб беради, жумладан: мижозлар базасини кенгайтириш ҳамда унинг сифатини яхшилаш; узоқ муддатли молиявий ресурслардан фойдаланиш; корхоналар, турли фондларни бошқариш; банк операциялари ва хизматлари кўламини кенгайтириш; даромад манбаини ошириш; банкнинг фонд бозори иштирокчиси сифатида эгаллаган ўрнини янада мустаҳкамлаш.

Қолаверса, тижорат банклари учун траст операцияларини амалга оширишнинг афзалликлари ушбу турдаги операцияларни амалга ошириш харажатларининг нисбатан камлиги, йирик мижозлар билан муносабатларнинг мустаҳкамланиши, шунингдек банк обрўсининг янада ортишида яққол кўриш мумкин.



## **International Congress on Economics, Management and Business Studies**

Hosted Online from New York, USA

Date: 23<sup>rd</sup> June , 2026

Website: <https://econferencia.com>

Мижозлар учун ҳам траст операцияларининг жозибадорлиги мавжуд: ишончли бошқарувга топширилган маблағлардан ушбу маблағларни банкдаги депозитларга жойлаштиришдан кўра кўпроқ даромад олиш имкони; маблағларни жойлаштириш муддатини эркин белгилаш имкони; ишончли бошқарувдаги маблағларни муддатидан олдин тўлиқ ёки қисман қайтариб олиш имкони, бунда мижоз учун банкнинг депозит ҳисобварағидан олинган депозит бўйича муддатидан олдин маблағларни қайтариб олишда кўриладиган йўқотишларга нисбатан камроқ зарар кўрилади.

Жаҳон амалиётида траст операцияларининг турлари хилма-хил бўлиб, тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган траст операцияларининг ишончли бошқарув ҳамда агентлик хизматлари каби турларини бир-биридан фарқлашимиз мумкин.

Ишончли бошқарув деганда мулкдор ҳамда банк, яъни ишончли бошқарувчи ўртасидаги муносабатлар йиғиндиси тушунилади. Бунда икки томон ўртасидаги тузилган шартномага мувофиқ мулкдор ўз мулкини бошқариш ҳуқуқини ишончли бошқарувчига тақдим этади. Ишончли бошқарувчи мазкур мол-мулкни бошқаришда мижознинг, яъни мулкдорнинг топшириғига кўра ҳамда мижознинг маблағлари ҳисобига фаолиятни амалга оширади, шунингдек, молиявий фаолият натижалари бўйича шартномада кўзда тутилган ҳолатларда моддий жавобгар бўлиб ҳисобланади.

Тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган агентлик хизматлари турлари қуйидагилардан ташкил топган: жисмоний ва юридик шахслар учун: қимматли қоғозлар бозорида операциялар; пул ва бошқа қимматликларни сақлаш ва етказиб бериш; ишончномани расмийлаштириш ва бошқа нотариал хизматлар; жисмоний шахслар учун: акция, облигация



## International Congress on Economics, Management and Business Studies

Hosted Online from New York, USA

Date: 23<sup>rd</sup> June , 2026

Website: <https://econferencia.com>

ва бошқалар учун даромад олиш; юридик шахслар учун: депозитарий хизматлари ва ҳ.к.

Хусусан, хорижий мамлакатлар амалиётида банклар томонидан миждозларга кўрсатиладиган кенг кўламли траст хизматларининг энг оммабоп турларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- миждознинг шахсий ҳисобварақларини юритиш;
- миждознинг қимматли қоғозларини бошқариш;
- миждоз фойдасига даромадларни ундириш;
- депозитарий вазифаларини амалга ошириш;
- компанияни қайта ташкил этиш ҳолатларида уни вақтинча бошқариш;
- пул маблағларини, қимматли қоғозлар ва бошқа қимматликларни сақлаш;
- миждознинг бухгалтерия ҳужжатларини юритиш;
- ишончномага асосан миждоз номидан тўловларни, хусусан фоизлар, дивидендлар, ижара тўловлари кабиларни қабул қилиш,
- миждоз ҳисобига ва унинг номидан қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш, маслаҳат хизматларини амалга ошириш;
- фуқароларнинг мақсадли омонатларини қабул қилиш ва бошқалар.

Тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан корхоналар, мулкый комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин.

Факторинг хизматлари “молиялаштиришсиз” ёки “молиялаштириш” шарти билан тақдим этилади. Биринчи ҳолда ҳисоб-фактурани берувчи фактор-банк миждози тўлов муддати келганда, ҳисоб-фактура охириги суммасини олади. Иккинчи вазиятда миждоз кўзда тутилган тўлов муддатидан катъи



## **International Congress on Economics, Management and Business Studies**

Hosted Online from New York, USA

Date: 23<sup>rd</sup> June , 2026

Website: <https://econferencia.com>

назар, товар учун секин ҳақ тўлашни талаб қилиши мумкин. Охириги вазиятда фактор-банк мижозга кредит тақдим этади.

Факторинг битимини амалга оширишдан олдин жиддий таҳлилий иш олиб борилади.

Факторинг хизмати кўрсатишга қуйидаги корхоналар тортилмайдилар:

- дебиторлар катта сонига эга бўлган;
- чайқовчилик бизнеси билан шуғулланадиган;
- ностандарт ва тор ихтисослашган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган;
- майда маҳсулотлар тўпламини чаканалаб сотадиган;
- суб-пудратчилар билан ишлайдиганлар ва бошқалар.

Корхоналар буюртмасини олган фактор-банк потенциал мижозлар, молиявий ва иқтисодий аҳволини унинг фаолият соҳасини, сотилаётган маҳсулот турлари, бозор конъюнктурасини диққат билан ўрганади. Охириги уч йиллик баланси, ҳисобот ва молиявий кўрсаткичлар, товарга бўлган талаб ва ҳоказолар таҳлил қилинади. Сўнгра банк хизмат кўрсатишга ё розилик беради, ёки бош тортади. Розилик берганда, мижоз харидор томонидан қўйилган барча ҳисоб-фактураларни ўтказди.

Фактор-банк уларни обдон ўрганади ва ҳар бири бўйича розилик ёки норозилик беради (одатда икки-уч кундан кейин).

Икки йилга тузилган факторинг тўғрисидаги шерикчилик шартномаси фактор-молиялаштириш асосини ташкил этади.

Жаҳон амалиётида факторинг хизматларининг қиймати икки унсурдан таркиб топади; фактор-хизматлар учун комисион мукофот; муддатидан олдин тўланганда ундириладиган фоизлар.

Фактор-кредит бўйича комиссия ҳисоб-фактуранинг 1,5-2 фоизини ташкил этади ва қисқа муддатли ссудалар бўйича одатдаги банк фоизларидан бирмунча юқори бўлади.



## International Congress on Economics, Management and Business Studies

Hosted Online from New York, USA

Date: 23<sup>rd</sup> June , 2026

Website: <https://econferencia.com>

Факторинг операцияларини амалга оширишда дебиторлик қарздорлиги нақд пулларга айлантирилади ва ишлаб чиқариш мақсадлари учун фойдаланилиши мумкин. Миқозда дебиторлик ҳисобларини юритиш ва кредит назорати бўйича ҳаражатлар қисқаради. Юқоридагилардан хулоса қилиб айтганимизда, факторинг хизмати кичик корхоналар учун кўпроқ самаралидир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги Қонуни
2. Котлер, Ф. Основы маркетинга : пер. с англ. /. - 2-е европ. изд. - М.: СПб.: Киев: Вильяме, 2009. 638 стр.
3. К.Хаксевер, Б.Рендер, Р.Рассел, Р.Мердик. Управление и организация в сфере услуг. 2 –е изд. / пер. с англ. под ред. В.В.Кулибановой – СПб.; Питер, 2012. 37–69 стр.
4. Спицын И.О., Спицын Я.О. Маркетинг в банке – АО «Тарнекс» ЦММС
6. Вахабов А.В., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К. Тижорат банклари ташқи аудитида халқаро молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш методикаси. Монография. Тошкент: молия, 2011. -188б.
7. Диана Мак Нотон, Дональд Дж. Карлсон, Клайтон Таусенд Дитд и др. Организация работы в банках: в 2–х томах. Том 2. Интерприрование финансовой отчетности. Пер. с англ. –М.: Финансы и статистика, 2002. –240 с.